

13-мавзу:
ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

- 1. ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.**
- 2. ЕР КАДАСТРИНИ ЮРИТУВЧИ ОРГАНЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ.**

АМАЛИЙ МАШГУЛОТНИЎТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<i>Талабалар сони: 25</i>	13-Мавзу:
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Амалий машғулот
<i>Машғулотнинг режаси:</i>	1.Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари. 2. Ер кадастрини юритувчи органлар ва уларнинг ваколатлари.
<i>Машғулотнинг мақсади:</i> Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари ва уларни юритувчи органлар тўғрисида умумий тасаввурни шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
1.Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари. тўғрисида тушунчалар беради 2. Ер кадастрини юритувчи органлар ва уларнинг ваколатлари тўғрисида тушунчалар беради	1.Давлат ер кадастрининг таркибий қисмлари. тўғрисида тўғрисида тасаввурга эга бўлади. 2. Ер кадастрини юритувчи органлар ва уларнинг ваколатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлади.
<i>Ўқитиш услуби ва техникаси</i>	Амалий машғулот, намойиш, кластер, аклий хужум.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Доска, топшириқлар, тарқатма материаллар.
<i>Ўқитиш шакли</i>	алохида ишлаш
<i>Ўқитиш шарт- шароити</i>	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

АМАЛИЙ МАШГУЛОТНИНГ ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотиغا кириш 10 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Амалий машғулот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва режани ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 60 дақиқа	2.1. Мавзу режаси бўйича тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади. 2.2. Амалий машғулот слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади ва талабаларни гуруҳларга бўлиб саволлар берилади. 2..3. Мавзу режалари бўйича хулосалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади.	Ўқийдилар Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволларга жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хулоса қилади. Мавзунинг бугунги кундаги касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади.	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

МАВЗУНИ МУСТАҚИЛ ЎЗЛАШТИРИШ УЧУН ТАВСИЯ ҚИЛИНАЁТГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР

Асосий:


1. Ben McFarlane, Nicholas Hopkins. **Land Law**: Text, Cases, and Materials. OUP Oxford, 2012
2. М.Х. Рустамбоев ва бошқ. **Ер ҳуқуқи**. Дарслик – Т.: Тошкент давлат юридик институти, 2002. – 237
3. **Земельное право республики Узбекистан**. Учебник. Под. ред. М.Х. Рустамбаева. ҳуқуқи. Т.: ТДЮИ, 2007. - 215 стр.
4. А. Нигматов. **Ер ҳуқуқи**. Ўқув қўлланма. – Тошкент: “Ислом Университети”, 2001. – 191 б.
5. А. Нигматов. **Земельное право**. Учебное пособие – Т.: “Ислом Университети”, 2001. – 189 б.
6. Узоқова Г.Ш. **Аҳоли пункти ерларидан фойдаланиш ҳуқуқи**. Т.: ТДЮИ, 2006. - 117 б.
7. М. Mirzaabdullaeva, A. Muqimov, Z. Xafizova. **Yer huquqi**, O'quv qo'llanma. - Т.: TIMI, 2016. - 196 б

Қўшимча:




1. Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Ўзбекистон, Т.: 1998
2. Ўзбекистон Республикаси қонуни “Давлат ер кадастри тўғрисида”, Ўзбекистон, Т.: 1998
3. Ўзбекистон республикасининг ер кадастрини юритишга оид қонуности ҳужжатлари.

Интернет ресурслари:

1. [http:// www. colibri.ru/;](http://www.colibri.ru/)
2. [http:// www. Lex.uz](http://www.Lex.uz)



**ДАВЛАТ ЕР КАДАСТРИНИНГ
ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**
(ЎЗБ. Респ. Қонуни “Ер кадастри
тўғрисида” 3-модда)



Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқлари қандай асосларда рўйхатдан ўтказилади?

**“ДЕКТ” қонуннинг
13-моддаси**

ЕР УЧАСТКАСИГА БЎЛГАН ҚАНДАЙ ҲУҚУҚЛАР ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИНАДИ?

III-қисм

Ер участкаларига бўлган қуйидаги ҳуқуқларнинг вужудга келиши, бошқа шахсларга ўтиши ва бекор бўлиши давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароларига яқка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, деҳқон хўжалиги, жамоа боғдорчилиги ва узумчилигини юритиш учун, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда берилган ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи;

- юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (фермер хўжаликлари бундан мустасно) юритиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар учун берилган ер участкаларига доимий эгаллик қилиш ҳуқуқи;

- юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланиш муддатлари кўрсатилмай берилган ер участкаларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи;

- юридик ва жисмоний шахсларга қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёжлар учун фойдаланишнинг муайян муддатини белгилаб берилган ер участкаларидан муддатли (вақтинча) фойдаланиш ҳуқуқи;

- юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусийлаштириб ёки сотиб олинган ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи;

- юридик ва жисмоний шахсларга ижарага берилган ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқи.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА
ДАВЛАТ КАДАСТРИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ

Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг давлат
рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида
ГУВОҲНОМА

ҚАНДАЙ ҲОЛАТЛАР ДАВЛАТ РЎЙХАТИГА ОЛИШНИ РАД ЭТИШГА АСОС БЎЛАДИ?

III-қисм

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу ер участкасининг мансублиги масаласида низолар борлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;

- давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу ер участкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлиги;

- ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўхтатиб турилган ҳолларда тақдим этилган материаллардаги камчиликларнинг рўйхатдан ўтказувчи томонидан белгиланган муддатларда бартараф этилмаслиги;

- ҳуқуқларнинг вужудга келишини белгиламайдиган ҳужжатларнинг тақдим этилиши;

- ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилинганлиги.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун такроран мурожаат этилган тақдирда, рад этиш ҳақидаги хатда илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги зарур ҳужжатлар ҳам илова этилган ариза келиб тушган пайтдан эътиборан **7 кун** муддатда тегишли ваколатли орган томонидан амалга оширилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар давлат рўйхатига олингани тўғрисида рўйхатга олинган сана ва тартиб рақами кўрсатилган ҳолда **гувоҳнома** берилади.

Ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатига олишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

- 1. давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу ер участкасининг мансублиги масаласида низолар борлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ҳужжатларнинг мавжудлиги;**
- 2. давлат рўйхатидан ўтказувчи органда ушбу ер участкаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб қўйилганлиги ҳақидаги маълумотларнинг мавжудлиги;**
- 3. ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўхтатиб турилган ҳолларда тақдим этилган материаллардаги камчиликларнинг рўйхатдан ўтказувчи томонидан белгиланган муддатларда бартараф этилмаслиги;**
- 4. ҳуқуқларнинг вужудга келишини белгиламайдиган ҳужжатларнинг тақдим этилиши;**
- 5. ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор қилинганлиги.**

РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

ВМнинг1-сонли қарори

II. КЎЧМАС МУЛККА БЎЛГАН ҲУҚУҚЛАРНИ АХБОРОТ ТИЗИМИ КОМПЛЕКСИДАН ФОЙДАЛАНИБ «БИР ОЙНА» ПРИНЦИПИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ (келтириб утинг)

РУЙХАТГА ОЛИШ ТАРТИБИДА НИМАЛАР ЎЗГАРДИ?

ВМнинг 1-сонли қарори





32.

33.

**ЕРЛАРНИНГ МИҚДОРИ ВА СИФАТИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ ЖАРАЁНИДАГИ
МУНОСАБАТЛАР ҚАНДАЙ ТАРТИБГА СОЛИНАДИ?**

**“ДЕКТ” қоуннинг
17-модда**

ЕР КАДАСТРИ ҲУЖЖАТЛАРИ ЎЗ ИЧИГА НИМАЛАРНИ ОЛАДИ?
(«ДЕКТ » қонуннинг 12-МОДДАСИ)



**Тупроқ
бонитровкасининг
асосий мақсади
нимадан иборат?**

**18-
модда**

**Ерларни
иқтисодий
баҳолаш (қиймат
баҳосини
аниқлаш) нинг
асосий мақсади
нимадан иборат?**

**19-
модда**

ЕРЛАРНИНГ НОРМАТИВ ҚИЙМАТИ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА АНИҚЛАНАДИ?

235-сонли қарор

Норматив қийматни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Ўзбек давлат ер тузиш илмий-лойиҳалаш институти «Ўздаверлойиҳа» томонидан амалга оширилади.

Норматив қиймат ишлаб чиқариш ресурси сифатида қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг сифатини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.





1 га қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг норматив қийматини аниқлашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: (келтириб утинг)

ЕР КАДАСТРИНИ ҚАНДАЙ ОРГАНЛАР ЮРИТАДИ?

“ДЕКТ” қонун

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонунининг 5-моддасига мувофиқ давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ва Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси амалга оширади. Қонуннинг 10-моддасига кўра Давлат ер кадастрини юритиш аэрокосмик суратга олишларни, топография-геодезия, картография, тупроқшунослик, агрохимия, геоботаникага оид ва бошқа изланишлар ва тадқиқотларни ўтказиш, ерларни миқдор ва сифат жиҳатдан ҳисобга олиш ва баҳолаш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини давлат рўйхатига олиш; ерлар мавжудлиги ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тузиш; жорий тадқиқотлар, суратга олишлар ҳамда ер мониторинги материалларидан фойдаланган ҳолда ер-кадастр ахборотларига оид маълумотлар мажмуини яратиш ва тартибга солиб туриш билан таъминланади. Давлат ер кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан амалга оширилади.

**Вазирлар
Маҳкамасининг
давлат ер
кадастрини
юритиш борасида
ваколатлари
(6-модда)**








**Давлат хокимияти
махаллий
органларининг
давлат ер
кадастрини
юритиш борасида
ваколатлари
(7-модда)**

ер участкаларига бўлган мулкчилик, уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва ижарага олиш ҳуқуқини, сервитутлар тўғрисидаги битимларни ва ушбу ҳуқуқлар бўйича бошқа чеклашларни рўйхатдан ўтказиш

мулкдорлардан, ер эгаларидан, ердан фойдаланувчилардан ва ижарачилардан ҳуқуқий ҳолатида, ер участкаларининг таркибида ва ер участкаларидан фойдаланишда юз берган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва жойида текширилгандан сўнг жорий ўзгаришларни ер кадастри ахборотига киритиш

туман (шаҳар) ер ресурслари миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар банкларини тузиш ва улардан фойдаланиш каби масалаларни амалга ошириш

**«Ергеодезкадастр»
Давлат
қўмитасининг
давлат ер
кадастрини
юритиш борасида
ваколатлари
(8-модда)**



ЕР КАДАСТРИГА ДОИР ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТЛАР ЮРИТИЛАДИ?

“ДЕКТ” қонун
11-модда



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ, ГЕОДЕЗИЯ,
КАРТОГРАФИЯ ВА ДАВЛАТ КАДАСТРИ
ДАВЛАТ КЎМИТАСИ

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида МИЛЛИЙ ҲИСОБОТ

Тошкент-2019

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида"ги 543-сонли, 2000 йил 23 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида Ер мониторинги тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 496-сонли ҳамда 2017 йил 19 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси тўғрисидаги ҳамда ер муносабатлари ва давлат кадастрларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги 529-сонли қарорларида белгилаб берилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисобот тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисида Миллий ҳисоботни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, унинг таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларининг мутахассислари иштирок этиб, улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асос қилиб олинди.

Бош муҳаррир:

А.Х.Абдуллаев

Мухаррирлар:

Т.М.Абдуллаев
М.И.Рузметов
Ш.Х.Ҳабибуллаев

Тузувчилар:

А.Алимов, Б.Нормўминов, Б.Исаметдинов, Д.Меретов, Й.Қорабоев, И.Ҳамраев,
Ф.Ҳушвақтов, И.Логинов, Д.Ризаева, Ў.Сафаров, Ш.Бобомуродов, Ф.Тухташев, А.Рўзиев,
М.Умаров, Р.Тўраев, Р.Қўиев, О.Жабборов, Ш.Майинов, О.Давронов.

© Давргеодезкадастр кўмитаси, 2019 йил.

Уйга вазифа

• Юкоридаги слайдларни тулдириб куйидаги келтирилган Ўзбекистон республикасининг норматив – ҳуқуқий ҳужжатлари таркиби ва мазмуни билан танишиб чикинг:

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Давлат ер кадастри тўғрисида», 28.08.1998 й.

2. Ўзбекистон Республикаси қонуни «Давлат кадастрлари тўғрисида», 15.12.2000 г.

3. Ўзбекистон Республикаси ВМ қарори «Ўзбекистон Республикасида ер кадастрини юритиш тўғрисида», № 543, 31.12.1998 й.

4. Ўзбекистон Республикаси ВМ қарори «Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида», №1, 7.01.2014 й.

5. Ўзбекистон Республикаси ВМ қарори «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИН МАЙДОНЛАРИНИНГ НОРМАТИВ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тўғрисида» №235. 18.08. 2014 й.